

Ислом умматининг ҳолати гоҳ яхши...

Image not found or type unknown



16:17 / 29.03.2024 2411

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضَرَّهٗ فَيَدُحُّ نَع
نَوْلَ أَسَيُّسْ أَنْ لَّا نَاكَ بَلَّاق
هُ هَلْ لَّا يَلَّصْ هَلْ لَّا لَوْسَرَّ
رِي خَلَّ نَع مَّ لَسَّ وَ هَيَّ لَع

رَّشَلَا نَعُهُ لَأَسَا تُنُّكَ وَ
تُلُقُف يِن كِرْدِي نَأَةً فَاخَم
يِف أَنُك أَنَا هَل لَأ لُوسَرَاي
هُل لَأ أَنَا جَفِّ رَشَوِي لَهَاج
أَذَه دُعَبُ لَهَافِ رِيخُ لَأ أَذِهِب
, «مَعَن» : لَأَق ؟ رَشُ نَم رِيخُ لَأ
رَّشَلَا كِل ذَدُعَبُ لَهَو تُلُقُ
هَيَفَو ، مَعَن » : لَأَق ؟ رِيخُ نَم
: لَأَق ؟ هُنَّ خَدَامَو تُلُقُ ، «نَخَد
يِي دَه رِيغَبَ نَوْدَهَي مَوْقُ»
: تُلُقُ ، «رُكُنُتَو مُمُهَن م فِرْعَت
نَم رِيخُ لَأ كِل ذَدُعَبُ لَهَف
يَلَعُهُ أَعْدُ ، مَعَن » : لَأَق ؟ رَشُ

أَهَيْلِإِ مُهَبِاجَأْ نَم مِّنَهَجِ بَأُوبَأْ
أَيِ تُتْلُقِ ، «أَهَيْفُ هُوفَدَقِ
، أَنْ لَمْ هُفِصِ هَلِالِ لُوسَرِ
أَنْتَ دَلِجُ نَم مٌه» :لِاقِ
، «أَنْتَ نَسْ لِأَبِ نَوْمٌ لَكَ تَيَوِ
نِإِ يَنْرُمَأْتِ أَمَفِ تُتْلُقِ
مَزَلَتِ» :لِاقِ ؟ كِلِذِ يَنْكَرَدَأِ
، «مُهَمِ أَمِإِوِ نِي مِ لِسُ مِ لَأِةَ عِ أَمِجِ
مُهَلُ نُنُكَتِ مَلُ نِإِفِ تُتْلُقِ
:لِاقِ ؟ مِ أَمِإِ أَلِوِةَ عِ أَمِجِ
أَهْلُكَ قَرَفُ لَأِ كُلتِ لَزَتِ عِ أِفِ»
،ةَ رَجَشِ لِصِأَبِ ضَعَتِ نَأُ وِلِوِ
تَنْأُوتِ وَمِ لَأِ كِ لِرُدِي يُّتَحِ

عُثَالٌ ثَلَاثُ أَوْرٍ . «كَلِّذْ يَلَعُ»

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Одамлар Расулulloҳ алайҳиссаломдан яхшилик ҳақида сўрашар эди, мен эса ўзимга етиб қолмасин деб қўрқиб, ёмонлик ҳақида сўрар эдим. У зотга «Эй Аллоҳнинг Расули, биз жоҳилиятда, ёмонликда эдик. Аллоҳ бизга ушбу яхшиликни келтирди. Ушбу яхшиликдан кейин ёмонлик бўладими?» дедим. «**Ҳа**», дедилар. «Ўша ёмонликдан кейин яна яхшилик бўладими?» дедим. «**Ҳа. Унинг тутуни ҳам бўлади**», дедилар. «**Унинг тутуни нима?**» дедим. «**Ҳидоятсиз йўл бошлайдиган қавмдир. Уларнинг баъзи нарсаларини ёқтирасан, баъзи нарсаларини инкор қиласан**», дедилар. «Ўша яхшиликдан кейин ёмонлик бўладими?» дедим. «**Ҳа. Жаҳаннам эшигида турган даъватчилар. Ким уларга ижобат қилса, унинг ичига отишади**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, уларни бизга сифатлаб беринг», дедим. «**Улар ўзимизнинг қавмдан. Ўзимизнинг тилимизда гапирди**», дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилайин?» дедим. «**Мусулмонлар жамоасини ва уларнинг имомини лозим тутасан**», дедилар. «Уларнинг жамоати ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?» дедим. «**Дарахтнинг томирини тишлаб бўлса ҳам, ўша фирқаларнинг барчасидан четда бўл. Сенга ўлим келганда ҳам ўша ҳолатда бўлишга ҳаракат қил**», дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, Ислом умматининг ҳоли гоҳ яхши, гоҳ ёмон бўлиб туриши бор нарса экан. Бу умматнинг ичида фитна чиқиб туриши ҳам бор гап. Бундай пайтларда мусулмонлар жамоаси ва уларнинг имоми бор бўлса, ўшалар билан бирга бўлиш керак. Агар жамоа ҳам, имом ҳам бўлмаса, фирқаларнинг барчасидан четда бўлиб, уларнинг бирортасига ҳам қўшилмаслик лозим.

عُثَالٌ ثَلَاثُ أَوْرٍ
يَضْرِبُ هَلَلًا ذُبَعٌ نَع
يَلَعُ هَلَلًا يَصِّبُ نَلًا نَع

مُكِّنَا» : اَنْ لَّ لَاقُ هُنَّ اُمَّلَسَو
اَرُوْمُ اَوْ ءَرَثَا يَدْعَبَنُ وَّرَتَس
اَمَف : اَوْلَاقُ «اَهَنُ وُرْكُنُت
: لَاقُ ؟ هَلْ لَ لَ لَ وُسَرَايَ اَنْ رُمَات
اَوْلَسَو مَهَّقَحُ مَهَيَلَا اُوْدَا»
«مُكَّقَحَ هَلْ لَ ا

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий алайҳиссалом бизга: «**Мендан кейин кўп мункар ишларни кўрасизлар**», дедилар. «Ўшанда биз нима қилайлик, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишган эди, «**Уларнинг ҳақларини адо этинглар, ўз ҳаққингизни эса Аллоҳдан сўранглар**», дедилар».

Шарҳ: Фитна чиқиш хавфи борлиги учун ҳақни бошлиқдан, раҳбардан эмас, Аллоҳ таолодан сўрайдиган вақтлар ҳам бўлар экан.

يَضَرِّي دَعْنُ بَرِيْبُ زَلْ لَاق
سَنَّا يَلَا اَنْ وَاكَش : هُنَّ عْ هَلْ لَ ا
نَمِ يَقْلَن اَمَّ كَل اَمَّ نُب
هَّنَّ اِفْ اُوْرَبُ صَا : لَاقُ فِ جَاجْ حُ لَ ا

إِلَّا نَأْمُرُكَ بِلَعْنَةِ يَتُّيَ الْإِ
يَّتَحُّهُنَّ مَرْشُهُ دَعْبُ يَدُّلَا
نَمْ هُتَعَمَّسْ، مُمْكَبَرُ أَوْقَلَاتِ
هَيْلَعُهُ لَلَا يَلَّصُ مُمْكَبَرُ يَبَنْ
يِرَاخُبُّلَا أُمَّهَ أَوْرَ . مَلَّسَ وَ
يِذْمُرَّتْ لَأَو

Зубайр ибн Адий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Анас ибн Моликка Ҳажжождан шикоят қилдик. У шундай деди: «Сабр қилинглар. Бир замон келса, кейингиси ундан ҳам ёмон бўлади. Роббимизга етишгунимизча шундай давом этади. Мен буни Набийимиз соллаллоху алайҳи васалламдан эшитганман».

Иккисини Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

Ушбу ривоятда исми зикр қилинган Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий умавий халифаларнинг амирларидан бири бўлиб, ўзининг золимлиги билан танилгани учун «Ҳажжож золим» деган ном олган.

Бу ерда айтилган замоннинг ёмонлиги – унинг аҳлининг ёмонлигидир, чунки замоннинг ўзи ёмон бўлмайди.

هُنَّ عُهُلَلَا يِضْرَ هَلَلَا دُبَعُ نَع
هَيْلَعُهُ لَلَا يَلَّصُ يَبَنْ لَأَو

يَحْرُرُ رُوْدَتَ «: لَاقَ مَلَسَ و
وَ اَنِي ثَالِثَ وِ سَمَخَلِ مَالِ سِ اِ
عَبَسَ وَاَنِي ثَالِثَ وِ تِس
اُوْكَلَهَ يَ نِ اِفَ نِي ثَالِثَ وِ
مُقَيَ نِ اِوْكَلَهَ نَمُ لِي بَسَفِ
مُهَلْ مُقَيَ مُهَنِي دُمُهَلْ
اُمَمَ اُتْلُقِ ، «اُمَاعَ نِي عَبَسَ
اُمَمَ» : لَاقَ ؟ يَضَمُ اُمَمَ وَاَيَقَبِ
«يَضَمُ» .

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ислом тегирмони ўттиз беш, ўттиз олти ёки ўттиз етти йил айланади. Агар ҳалок бўлсалар, ўтганларнинг йўли. Агар дин қоим бўладиган бўлса, етмиш йил қоим бўлади»**, дедилар. «Қолганиданми ёки ўтганиданми?» деган эдим, «Ўтганидан», дедилар».

Шарҳ: Улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадис уламоларнинг кўпгина тортишувларига сабаб бўлиб, уларнинг ҳар хил шарҳларига сазовор бўлган.

Аввал ҳадиснинг зоҳирӣ маъносини ўрганиб олайлик, кейин шарҳ ва таъвилларга ўтамиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу муборак ҳадиси шарифларида Исломнинг тегирмони ўттиз беш билан ўттиз етти йил атрофида айланишини таъкидламоқдалар. Афтидан, тегирмоннинг айланиши деган жумла ўша вақтда барчага тушунарли бўлган бўлса керак, чунки ровий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ҳам унинг нималиги ҳақида сўрамаганлар, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам бу маънони шарҳ қилиб бермаганлар. У киши кейинги маъно ҳақида савол берганлар, яъни «Қолганиданми ёки ўтганиданми?» деганлар, яъни «Бу ҳадисда зикр қилинган муддатлар бу гап айтилганидан кейин қолган муддатдан бошлаб ҳисобланадими ёки ўтган муддатлар ҳам қўшиладими?» деган маънода савол беряптилар. Жавобда эса ўтган муддат ҳам ҳисобга олиниши баён қилинган.

Шу билан ҳадиснинг зоҳирӣ маъноси ҳақидаги қисқача шарҳ охирига етди, деб ҳисоблайлик-да, бу ҳақда уламоларимиз олиб борган тадқиқотлардан бир оз фойда олайлик.

Бу ишда катта китобларимиздан бири, Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ларига ёзилган машҳур шарҳларидан бири бўлмиш «Фатҳул Борӣ» ҳамда Имом Абу Довуднинг «Сунан»ларига ёзилган шарҳларнинг энг афзалларидан бўлмиш «Авнул-маъбуд» асарларида зикр қилинган баҳслардан ёрдам оламиз. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу ҳадиснинг шарҳи ҳақида мазкур китобларда келтирилган фикрларни ўта қисқа тарзда, ўз ибораларимиз билан ифода қилишга ҳаракат қиламиз.

Аввало уламолар «Ислом тегирмони» ва «дин» жумлалари ҳақида турлича фикр билдирганлар.

Хаттобий ва Бағавӣ «Тегирмон деганда уруш, дин деганда эса мамлакат, салтанат, давлат маънолари кўзда тутилган», деганлар. Улар ўзларининг бу фикрларига араб тилида «тегирмон айланиши» деган ибора одатда урушга нисбатан ишлатилишини далил қиладилар.

Шунга биноан, ушбу ҳадиси шарифда Ислом давлатидаги ички урушларнинг муддати ва салтанатнинг бардавомлиги ҳақида сўз кетганлиги маълум бўлади.

Бошқа уламолар «Ислом тегирмони» ва «дин» деганда уруш ва салтанат назарда тутилмаганини таъкидлайдилар. Уларнинг айтишича, араб тилида

«тегирмон айланиши» уруш ҳақида сўз боргандагина аввалги уламолар айтган маънони англатади, агар гап уруш ҳақида кетмаётган бўлса, бир ишнинг асл ҳолида, мустақим тарзда бўлишини билдиради. Шунингдек, бу ҳолатда «дин» сўзи ҳам салтанат, давлат маъносини эмас, ўзининг асл маъносини англатар экан. Шунинг учун бу уламолар «Ушбу ҳадиси шарифда Ислом дини асл ҳолида, ўзгармасдан, нуқсонга учрамасдан ўттиз беш ёки ўттиз олти ёхуд ўттиз етти йил давом этиши ҳақида сўз кетмоқда», деганлар.

Демак, бу муддат Ислом ишининг нубувват асосидаги ҳолида давом этган даврини билдирар экан. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларидан бошлаб, рошид халифаларнинг даврлари тугагунча шунча вақт ўтган.

«Агар ҳалок бўлсалар, ўтганларнинг йўли. Агар дин қоим бўладиган бўлса, етмиш йил қоим бўлади».

Бу жумланинг маъноси шундай: мусулмонлар Исломнинг асл ҳолида ўтадиган мазкур муддат ичида ўзларидан ўтган айбу нуқсонлар сабабидан ҳалокатга учрасалар, бошқа ўтган умматлар ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлиб кетаверадилар. Агар ҳалокатга элтувчи ишларни қилмасалар, динлари етмиш йил қоим бўлади, деган гап ҳам бўлмайди, яъни ҳалокатга элтувчи ишлар бўлмагани учун уларнинг дини етмиш йилдан кейин ҳам давом этаверади, бошқа ҳадиси шарифларда келганидек, Қиёмат қойим бўлгунча бардавом бўлади.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан